

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

2014 № 5 (116)

1995 йилдан чиқа бошлаган

БОШ МУҲАРРИР:

Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ

Мавжуда РАЖАБОВА

Қўчқор ТОҒАЕВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Холмўмин ЁДГОРОВ

Файрат ХИДОЯТОВ

Журнал 2007 йил 19 апрелда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг
2004 йил 17 декабрдаги
110/4-сонли қарорига
асосан ҳуқуқий, илмий-
амалий журнал
ваколати берилган.

Босишга 11.11.2014 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Элбек кўчаси, 8-уй.
Адади: 6090 нусха.
Буюртма № 30.

МУНДАРИЖА

2. *Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Қарори*
3. **М.ҲУСАНОВА.**
Сийёсий партиялар
6. **Х.ЁДГОРОВ.**
*Процессуал қонунчиликни
такомиллаштириши*
9. **И.МАМАНОВ.**
*Такомиллашяётган
қонунчилик*
12. *Суд амалиёти*
18. *Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва
Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди
Пленумининг қарорлари*
49. **Д.БОЗОРОВА.**
*Гумон қилинувчи ва айбланувчининг
ҳуқуқий мақоми*

СОДЕРЖАНИЕ

53. **Ф.АБДУЛЛАЕВА,
Ш.КУБАТОВ.**
*Введение в международное гуманитарное
право и прав человека*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Куйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 7-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшдан ошган эркаклар;

г) чет давлатлар фуқаролари;

д) I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек қасддан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

6. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати - учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

7. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши - узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавfli рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши - ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-3, 5-бандларининг амал қилиши - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга;

г) ушбу Қарор 1-3, 5, 6-бандларининг амал қилиши - тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли кўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда қарорни қўлланиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралиги амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

9. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Раиси**

И.СОБИРОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 14 ноябрь*

Мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий, маънавий ва маърифий ислохотлар жараёнида жамиятнинг бошқа институтлари қатори сиёсий партиялар иштироки ҳам алоҳида ўрин тутади. Президентимиз Ислам Каримов Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур.

Сиёсий партиялар

уларнинг сайловларда иштирок этишининг ҳуқуқий асослари

Мухтабар ҲУСАНОВА,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

Айтиш керакки, Конституциямизнинг 60-моддасида "Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар", деб белгиланган. Ушбу конституциявий меъёр сиёсий партияларнинг мамлакатда амалга оширилаётган демократик жараёнларда фаол иштирок этишини кафолатлайди.

Сиёсий партиялар томонидан мазкур вазифаларни амалга оширишда давлат ҳокимияти органларига бўладиган сайловлар ғоят муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг сайловлар жараёнидаги иштирокини тартибга солувчи умумэтироф этилган, демократик принципларни ўзида мужассам этган қонунлар тизими яратилган.

Бу ҳақда сўз борганда, аввало, **"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш**

тўғрисида"ги Конституциявий қонун, **"Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**, **"Сиёсий партиялар тўғрисида"**, **"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"**, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"**, **"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"** ҳамда **"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"**ги қонунларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Маълумки, мамлакатимиз парламенти икки палатали тизимга ўтганидан сўнг сайлов жараёнини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ҳам такомиллаштирилди. Ўтган сайлов натижалари шуни кўрсатдики, доимий ишлайдиган, профессионаллардан ташкил топадиган парламентнинг қўйи палатасида ҳар бир партия имкони борича кўпроқ ўрин эгаллашга ҳаракат қилди. Қонунчилик палатасидаги партиялар фракциялари фаолиятида аниқ мақсад, соғлом рақобат муҳити юзага келди.

Сайловда иштирок этиш: ҳуқуқий кафолатлар

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг сайловлар жараёнидаги иштирокини

таъминловчи ҳуқуқий механизмлар ўзаро узвий, бир-бирини тўлдирувчи ва такомиллашиб боровчи хусусиятга эга бўлган яхлит тизимни ташкил этади. Зеро, сиёсий партиялар демократиянинг энг таъсирчан механизми бўлган сайлов жараёнининг асосий субъекти ҳисобланади.

"Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари белгиланган бўлиб, унда қонунда белгилаб қўйилган тартибда давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳам ўз аксини топган.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасига биноан, сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Депутатликка номзод кўрсатишга оид ҳуқуқлар

Сайлов кампанияси даврида, миллий қонунчилик талаблари доирасида сиёсий партияларга депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилиши демократиянинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Бу ҳуқуқ, ҳеч шубҳасиз, сайловнинг кўппартиявийлик негизида, муқобиллик асосида ўтишини таъминлайди ва сайловчиларга овоз беришда танлаш имкониятини беради.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасига биноан, Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди. Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади.

Сиёсий партиялар депутатликка бир юз ўттиз беш нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатиш ваколатига эгадир.

Сайловолди ташвиқоти: тури, шакл ва усуллари

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида 2012 йил 19 декабрда қабул қилинган "Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунга мувофиқ, сайловолди ташвиқотини олиб бориш билан боғлиқ масалалар қонунчилигимизда аниқ тартибга солинди.

Авваламбор, ушбу қонунда "сайловолди ташвиқоти" тушунчасига таъриф берилган. Яъни сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият. Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг турлари, шакллари ва усуллари қонунда аниқ белгилаб қўйилган.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-1-моддасига биноан, сайловолди ташвиқоти қуйидаги тарзда олиб борилади. Биринчидан, сиёсий партия дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатади. Иккинчидан, депутатликка номзод тўғрисидаги ахборот уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатилади.

Қонунда сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг шакллари белгиланган бўлиб, омма олдидан мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаш-

тириш шулар жумласидандир.

Қонунда сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг уч хил усули кўрсатилган. Биринчи усул — сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари, шунингдек, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали амалга ошириш. Иккинчиси — босма, кўрғазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини, яъни плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни чиқариш ҳамда тарқатиш орқали сайловолди ташвиқоти олиб бориш. Учинчи усул — сайловолди ташвиқотини сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга ошириш.

Шунингдек, қонунда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакл ва усулларида ҳам фойдаланиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ваколатли вакил ва кузатувчилар мақоми

Миллий қонунчилигимизда сиёсий партияларга тегишли бўлган ваколатли вакил ва кузатувчиларнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошқора амалга оширадilar. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадirlар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 17-1-моддаси "Сиёсий партиянинг вако-

латли вакили" деб номланган. Ушбу моддада Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Айтиш керакки, миллий қонунчилигимизда сиёсий партиялар вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда иштирок этишининг кафолатлангани, ҳеч шубҳасиз, сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида демократик тамойиллар устуворлигини рўёбга чиқаришнинг яққол тасдиғидир.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, сайловларнинг очиқ ва ошқора, холис ва адолатли, қонун талаблари ва демократик принциплар асосида ўтишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда бўлиб ўтадиган ғоятда муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирда сиёсий партияларнинг фаол иштирок этиши учун миллий қонунчиликда зарур ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ана шу ҳуқуқларнинг тўлиқ ва қатъий амалга оширилиши таъминланмоқда.

Айни вақтда бўлажак сайловларда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишининг ҳуқуқий асослари, бу борадаги янги ҳуқуқ ва кафолатлар амалда жиддий синовдан ўтишига эътибор қаратиш ўринли, деб ўйлаймиз. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидланганидек, "Сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир".

Процессуал қонунчиликни такомиллаштириш

Фуқаролик ишларини ўз муддатида, қонуний ҳал этишга ҳамда ортиқча сансалорликнинг олдини олишга хизмат қилади

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар жараёнида амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, уларга бугунги давр талабидан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Холмўмин ЁДГОРОВ,

Олий суд судьяси

Бу, ўз навбатида, одил судлов самарадорлигини янада ошириш, ишларни ўз вақтида кўриб, қонуний ҳал этиш ва энг асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, Олий суд Пленумининг 2014 йил 17 октябрдаги навбатдан ташқари йиғилишида қонунчилик ташаббуси асосида амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 5 та моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш юзасидан тайёрланган қонун лойиҳасини тасдиқлаш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ва Тадқиқот маркази томонидан суд амалиёти ва статистик маълумотлар

таҳлилий ўрганилиб, аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан бир йил давомида Фуқаролик процессуал кодексининг 65-моддасига асосан, бошқа фуқаролик ишлари бўйича судларга, Фуқаролик процессуал кодексининг 390-моддасига кўра, чет эл судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида 300 дан зиёд топшириқ хати билан мурожаат қилинган. Ушбу топшириқ хатлари тегишли судлар томонидан бир ойдан уч ойгача, баъзи ҳолларда эса, ундан ҳам узоқ муддатда ижро этилган.

Топшириқ хатларининг ўз вақтида ижро этилмаслигига оралиқ масофанинг узоқлиги боис, суд топшириқ хати кеч бориб тушганлиги, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш

муайян вақтни талаб қилиши ва ишдаги тараф ёки гувоҳни кўрсатилган манзилдан топиш имкони бўлмаганлиги сабаб бўлган.

Маълумки, бошқа судга юборилган топшириқ хатига жавоб олмай туриб, суд низо бўйича қонуний тўхтамга келиши қийин.

Судлар томонидан, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, яъни бошқа судга юборилган алоҳида топшириқ хатининг жавобини кутган ҳолда муддат бузилишига йўл қўйилган ҳолатлар 2014 йилнинг 9 ойида жами белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаган 463 та ишнинг аксарият қисмини ташкил этади.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексида эса, суд топшириқ хати юборилгани туфайли иш юритишни тўхтатиб туриш назарда тутилмаган.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 93-моддасини суд томонидан ушбу кодекснинг 65 ва 390-моддаларига асосан, суд топшириқ хатлари юборил-

ганда суднинг иш юритиш-ни тўхтатиб туриш ваколатини назарда тутувчи 6-банд билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 93-моддасига ушбу қўшимчанинг киритилиши муносабати билан Фуқаролик процессуал кодексининг 94-моддасини суд муайян иш юзасидан топшириқ хати юборганда, уни ижро этиш бўйича ҳаракатлар тугагунга қадар иш юритишни тўхтатиб туришни назарда тутувчи 9-банд билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда судларда кўрилатган иш юкламаси кўпайибгина қолмай, уларнинг мураккаблик даражаси ҳам ошиб бормоқда. Буни суд амалиёти таҳлили ҳам тасдиқлайди. Жумладан, бугунги кунда бир неча даввогарнинг бир неча жавобгарга нисбатан ҳамда кўплаб давво талаблари мавжуд бўлган, шунингдек, қарши давво талаблари мавжуд мураккаб тоифадаги ишлар жами судларда кўрилатган ишларнинг 30-35 фоизини ташкил этади.

Маълумки, мураккаб тоифадаги ишларни қонуний ҳал этиш учун, одатда, муайян процессуал ҳаракатларни, жумладан, ҳужжатларни талаб қилиб олиш, низо предметини жойида мутахассислар иштирокида кўздан кечириш, турли экспертизалар ўтказиш, топшириқ хатла-

ри юбориш, далилларни тўплаш ва баҳолаш каби ҳаракатларни амалга ошириш лозим. Бу эса, ўз навбатида, маълум вақтни талаб этади.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддасида фуқаролик ишларини кўриш учун бир ойлик муддат белгиланган.

Суд амалиёти таҳлили айнан мураккаб тоифадаги ишлар бўйича судлар томонидан ишларни кўриш муддати бузилаётганлигини ёки аксинча, муддатни бузмаслик учун ишларни шошилиш тарзда кўриш натижасида хатоларга йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб ҳамда фуқаролик ишларида далиллар бевосита суд муҳокамаси давомида қатор процессуал ҳаракатларни амалга ошириш натижасида тўпланишини назарда тутган ҳолда, қонун лойиҳасида Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддаси учинчи қисмини ўта мураккаб фуқаролик ишларини судда кўришнинг муддатини икки ойга қадар узайтиришни белгилловчи меъёр билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Ўйлаймизки, қонунга таклиф этилаётган ушбу қўшимчаларнинг киритилиши судларда иш кўришнинг процессуал муддатлари бузилишининг олдини олиш ва суд қарорлари барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Маълумки, истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилган иш-хотлар жараёнида апелляция институтининг амалга жорий этилгани ўз самарасини бериб, суд хатоликларининг асосий қисми шу инстанцияда бартараф этилмоқда. Жумладан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг апелляция инстанцияларида 2013 йилда беш мингдан ортиқ, 2014 йилнинг 9 ойида тўрт ярим мингдан ортиқ иш кўрилгани; 2013 йилда жами суд хатоликларининг 45 фоизи, 2014 йил 9 ойида эса, қарийб 43 фоизи бевосита апелляция инстанциялари томонидан бартараф этилгани ҳам апелляция инстанцияси инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига ишларни апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўриш муддатлари ҳам назарда тутилган бўлиб, тегишли инстанцияда ишни кўришда судьялар Фуқаролик процессуал кодексининг 331, 348¹² ва 350-моддаларида қайд этилган муддатларга риоя қилиши қатъий талаб қилинади. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 331-моддасида ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг апелляция инстанциясида кўриш учун йигирма кунлик муддат белгиланган бўлиб, ушбу муддат фуқа-

ролик иши шикоят ёки протест билан апелляция инстанциясига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси томонидан ушбу муддат кўпи билан яна ўн кунга узайтирилиши мумкин.

Қонунда кассация инстанциясида иш кўриш учун эса, бир ойлик муддат белгиланган. Ваҳоланки, апелляция инстанциясида, кассация инстанциясидан фарқли равишда, иш тўлиқ ҳажмда кўрилади. Яъни Фуқаролик процессуал кодексининг 332-моддасига асосан, суд ишни апелляция тартибида кўраётганда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текширади ҳамда у янги далилларни ўрганиб чиқиши ва қўшимча фактларни аниқлаши мумкин. Апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ текшириб чиқиши шарт.

Суд амалиёти таҳлиллари апелляция инстанциясида ишни кўриш учун белгиланган йигирма кунлик муддат аксарият ҳолларда етарли бўлмаётганини кўрсатмоқда.

Шунга кўра, қонун лойиҳасида Фуқаролик процессуал кодексининг 331-моддасидаги апелляция инстанциясида иш кўриш муддатини бир ой қилиб белгилаш ҳақида таклиф киритилди.

Суднинг қонуний кучга

кирган қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш фуқаролик иши юзасидан қонуний ва асосли суд қарори қабул қилишнинг қўшимча процессуал кафолати ҳисобланади.

2011 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни қайта кўриш ҳақида 407 та ариза кўриб чиқилиб, уларнинг 277 таси қаноатлантирилган.

2013 йилда эса, бундай мазмундаги 639 та ариза кўриб чиқилиб, уларнинг 392 таси қаноатлантирилган.

Аммо Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ва Тадқиқот маркази томонидан ўтказилган мониторинг суд амалиётида суд қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилиш борасида хатоларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда.

Бунга айнан ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида суднинг чиқарган ажрими устидан шикоят бериш ва уни бекор қилишнинг амалда процессуал имконияти йўқлиги сабаб бўлмоқда.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 368-моддасида ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида

суднинг чиқарган ажрими устидан шикоят бериш тартиби назарда тутилмаган.

Бу, ўз навбатида, қонуний асос мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам суд қарорлари бекор қилиниши оқибатида судлардаги иш юритиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Амалиётда учраётган бу ҳолатларга барҳам бериш, яъни қонуний асосларсиз суд қарорларининг янги очилган ҳолат бўйича бекор қилишнинг олдини олиш мақсадида, қонун лойиҳасининг 5-бандида, Фуқаролик процессуал кодексининг 368-моддасига ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкинлигини белгилловчи қўшимча киритиш таклифи назарда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси асосида тайёрланган "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши амалдаги Фуқаролик процессуал кодексини янада такомиллаштиришга, фуқаролик ишларини ўз муддатида, қонуний ҳал этилишга ҳамда ортиқча сансалорликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида: "Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради.

Такомиллашаётган қонунчилик

Исматулла МАМАНОВ,

жиноят ишлари бўйича

Тошкент вилояти судининг судьяси

Жамиятда жиноий "хуфёна иқтисодиёт"нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса, жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир", дея таъкидланган.

Дарҳақиқат, порахўрлик — ҳар қандай халқ, давлат дахлсизлигига, унинг ривожланиш тараққиётига, ундаги мавжуд демократия ва қонун устиворлигига путур еткази.

Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз томонидан бу ўта хавфли жиноятга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борилмоқда, жиноятлар фош этилиб, уларни содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда.

Жумладан, 2014 йил 14 майда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳуж-

жатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" Қонуннинг қабул қилиниши бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу қонунга кўра, Жиноят кодексининг пора бериш ва пора олиш беришда воситачилик қилиш учун жавобгарлик белгиланган 211, 212-моддаларига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Бу билан, пора берувчи ва пора олиш беришда воситачилик қилувчи шахсларга нисбатан тайинланадиган жазо тури, миқдори ва муддатлари ўзгартирилиб, уларнинг жавобгарлиги кескин кучайтирилди ва пора олувчи мансабдор шахсининг жавобгарлигига тенглаштирилди.

Энди мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб пора берган шахс энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима тулайди ёки беш йилгача озодликдан маҳрум этилади.

Мабодо мазкур жиноий хатти-ҳаракат такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари пора олган, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс томонидан ёхуд кўп миқдорда содир этилса, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади.

Шунингдек, пора бериш жинояти жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ манфаатла-

рини кўзлаб ёки масъул мансабдор шахс томонидан содир этилса, айбдор ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан махрум қилинади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазонинг тури, миқдори ва муддати ҳам пора берувчининг жавобгарлигига мутаносиб тарзда кучайтирилди.

Айтиш керакки, амалдаги Жиноят кодексининг 211-моддасида пора берувчи шахсга нисбатан ва 212-моддасида пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахсга нисбатан башарти, улар жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилишса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам беришса, жавобгарликдан озод этилишига оид рағбатлантирувчи қоида мавжуд эди.

Янги қонун билан ушбу қоидага ҳам ўзгартириш киритилиб, пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар учун белгиланган мазкур рағбатлантирувчи қоиданинг қўллаш шартлари ва муддати қатъий чегаралаб қўйилди. Эндиликда пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар бундай жиноят ҳақида ис-талган ҳолат ва вақтда эмас, балки жиноят содир этилгандан кейин ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилсагина, жавобгарликдан озод қилинади.

Қисқаси, янги қонун билан пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар жиноят содир этган вақтдан бошлаб ўттиз сутка ўтгандан кейин хабар беришса, улар жиноий жавобгарликдан озод этилмасдан, умумий тартибда пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жавобгарликка тортилади.

Айтиш жоизки, қонунда жавобгарликдан озод қилишнинг шартлари ва муайян муддатининг аниқ белгилаб қўйилиши пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахсларда жавобгарликнинг муқаррарлик туйғусини оширишга ҳамда порахўрлик жиноятларининг олдини олишга хизмат қилади.

Энг муҳими, бундай шахсларга порахўрлик жинояти ҳақидаги хабарни қатъ-

ий белгилаб қўйилган муддатда бериш мажбуриятини юклаш орқали жиноятнинг сабабларини аниқлаш ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришга эришилади.

Таъкидлаш зарурки, Жиноят кодексининг 211-моддаси 4-қисми ва 212-моддаси 4-қисмида назарда тутилган қатъий талабларнинг барчаси мавжуд бўлса, пора берган ва пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсни жавобгарликдан озод қилишга қонун рухсат беради.

Чунончи:

- биринчидан, товламачилик йўли билан пора талаб қилинган ҳолат далиллар асосида тўлиқ тасдиқланса;

- иккинчидан, ариза қонунда назарда тутилган муддатда, яъни ўттиз сутка ичида тақдим қилинса;

- учинчидан, ҳар қандай ноқонуний ташқи таъсирлардан (жисмоний, руҳий) холи тарзда ўз ихтиёри билан арз қилинса;

- тўртинчидан, пора берганлик ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва ниҳоят:

- бешинчидан, пора берганлик ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс ушбу жиноятни очишда фаол иштирок этса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Қонуннинг ушбу бешта талабидан бирортаси мавжуд бўлмаса, пора берган ва пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

Ўз ихтиёри билан арз қилиш деганда, пора берган ва пора олиш-беришда воситачилик қилган шахснинг ўз ихтиёри билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга шахсан келиб, ёзма ёки оғзаки шаклда қилган мурожаати тушунилади.

Тергов ёки суриштирув даврида аниқланган ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олдиндан маълум бўлган пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш ҳолатлари юзасидан қилинган мурожаат жиноий жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмайди ва

бундай шахснинг жавобгарлик масаласи қонунда белгиланган умумий тартибда ҳал қилинади.

Ҳар қандай жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговга жалб қилинган (гумонланувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ) шахс, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ҳуқуқбузарлик содир этгани учун гувоҳ, гумонланувчи ёки жабрланувчи тариқасида келтирилган шахс пора берганлик ёки пора олиш-беришда воситачилик қилганлик ҳақида шикоят қилган тақдирда ҳам бундай муурожаат инобатга олинмайди ва у жинойи жавобгарликдан озод қилинмайди.

Чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам бериш деганда, ўзига нисбатан пора сўраб товламачилик қилган ёки пора олиш — беришда воситачилик қилган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ўз ихтиёри билан келиб, содир этилган жиноят ҳақида баён қилиши, қилмишига пушаймонлик билдириши, жиноятни олдини олиш ва жиноятни очишга ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини фош қилишга фаол ёрдам бериши тушунилади.

Шу ўринда порахўрлик жиноятларига қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза янада қилувчи органлар ходимларининг масъулиятини кучайтиришга алоҳида аҳамият бериш зарурлигини таъкидламоқчимиз. Чунки соҳада хизмат қи-

лаётган шахслар ўзининг бурчини нечоғлик ҳалол ва виждонан бажараётгани бутун ҳокимиятнинг обрўси ва халқимизнинг адолатга бўлган ишончини белгилайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шартшароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажақда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишни орзу қиладиган ҳар бир фуқаро жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим.

Мухтасар айтганда, ушбу қонунни қабул қилиш орқали пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятлари учун жавобгарликни кучайтиришдан кўзланган асосий мақсад — порахўрлик жиноятларини ўз вақтида аниқлаш, жиноят содир этган шахсларни жазолаш ва қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, жамиятда қонун ва адолат устиворлигига эришишдан иборатдир.

Muloqot

— Айтинг-чи, уй-жой ижараси шартномаси қанча муддатга тузилади? Ижара учун ҳақ тўлаш тартиби қандай амалга оширилади?

Ғ.МАҲМУДОВ,

Бухоро шаҳри

— Уй-жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади, агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у беш йилга тузилган ҳисобланади. Ижарага олувчи янги муддатга шартнома тузишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Агар ижарага берувчи уй-жойни бир йилдан кам бўлмаган муддатда ижарага бермасликка қарор қилган бўлса, у янги муддатга шартнома тузишни рад қилишга ҳақли.

Шунингдек, уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг миқдори Фуқаролик кодексининг 611-моддасига мувофиқ тарафларнинг ўзаро келишувига биноан уй-жойни ижарага бериш шартномасида белгилаб қўйилади. Башарти, қонунга мувофиқ уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори белгилаб қўйилган бўлса, шартномада белгиланган ҳақ ана шу миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

Уй-жой учун ҳақ ижарага олувчи томонидан уй-жойни ижарага олиш шартномасида назарда тутилган муддатларда тўлаб турилиши, агар шартномада бундай муддатлар назарда тутилмаган бўлса, ҳақ ижарага олувчи томонидан ҳар ойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаб турилиши шарт.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмагани, моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги суд қарорларини назорат тартибида бекор қилишга асос бўлади.

"Омад Хўжа" МЧЖ Маҳмуд Жўраевга нисбатан даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, жамиятга қарашли 0.30 га ер майдонидан уни мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича суди кассация инстанциясининг 2013 йил 15 августдаги ажрими билан ўзгартирилган туманлараро судининг 2013 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, 0.30 га ер майдони М.Жўраевнинг эгалигидан "Омад Хўжа" МЧЖга олиб берилган.

Суд томонидан ишни кўришда иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаган, моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормалари бузилишига йўл қўйилган.

Жумладан, "Омад Хўжа" МЧЖга тегишли бино ва иншоотлар жойлашган ҳудуддаги 2 та "СКВ" вертикал сув чиқариш қудуғи атрофидаги низоли 0.30 га ер майдони фойдаланиш учун жамиятга бириктирилган бўлиб, унинг ерга бўлган ҳуқуқи тўғрисида туман ер-мулк кадастр хизмати томонидан 2012 йил 6 декабрда гувоҳнома олинган.

Суд низони ҳал қилишда, фақат даъвогар тақдим қилган ҳужжатлар билан чекланиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу билан бирга, 2007 йил 5 декабрдаги олди-сотди шартномасига кўра, низоли ер манзилида

жойлашган омборхона биноси ва иншоотлар Э.Аслоновга тегишли бўлиб, қурилмалар эгаллаган майдон 392,38 м кв., умумий майдон 373,80м кв.дан иборат.

Суднинг 2012 йил 1 июндаги ҳал қилув қарори билан Э.Аслоновнинг вафотидан кейин омборхонага унинг уч нафар меросхўрларининг ҳар бири 1/3 қисмдан меросхўр деб топилган.

Мазкур иш кўрилишида судда Олим Аслонов ва Муҳайё Аслоновларнинг қонуний вакили сифатида М.Жўраев қатнашган бўлиб, суд низоли ер майдонини олиб бериш ҳақида хулосага келишда унинг низоли ер майдонига қандай алоқаси борлигига аниқлик киритмаган.

Шунингдек, Э.Аслоновнинг меросхўри Б.Аслонов ишга тегишли тараф сифатида жалб қилинмаган.

Низоли ер майдонлари чегарасини аниқлаш, кадастр чизмаларига асосан низоли ер майдони кимнинг фойдаланишида эканлигига ойдинлик киритиш мақсадида туман кадастр хизматидан вакил жалб қилинмаган ва низоли ер майдонлари тавсифи бўйича хулосалар олинмаган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 207-моддаси талаблари бузилган ҳолда судга ер майдонидан мажбурий тартибда чиқариш ҳақида даъво ариза билан мурожаат қилинган бўлса-да, жавобгардан ер майдонини олиб бериш ҳақида қарор қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 21 июлдаги ажрими билан ушбу камчиликлар сабабли мазкур иш юзасидан суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилди.

6-174-14-сонли ажрим

Суд ишни назорат тартибида кўриб, ўзининг ажримми ёки қарори билан ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбормасдан, янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли.

Мукаррам Нафасова Дилдора Ўктамовага нисбатан турар жой олди сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилган бўлиб, у даъво талабида 2003 йил 31 августда жавобгардан 2 хоналик квартирани 350.000 сўмга сотиб олиб, оиласи билан яшаб келаётгани, Д.Ўктамова уйни сотганлиги ҳақида гувоҳлар иштирокида тилхат ёзиб берганлигини, лекин шартномани нотариал расмийлаштиришдан бош тортаётганлигини кўрсатган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 5 августдаги ажримми билан ўзгартиришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2014 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, М.Нафасованинг даъвоси рад этилган.

Иш материалларидан кўринишича, Д.Ўктамова 2003 йил 31 августда ўзига тегишли низоли квартирани М.Нафасовага 350.000 сўмга сотиб, шундан 312.000 сўмни олиб, квартиранинг 2003 йил январь ойигача бўлган коммунал тўловларини тўлашни ўз зиммасига олганлиги ҳақида гувоҳлар иштирокида тилхат ёзиб берган ва шу вақтдан эътиборан низоли квартирада М.Нафасова яшаб келган.

Суд Д.Ўктамова низоли квартирани сотишда турмуш ўртоғи М.Холиқовнинг розилигини олманлигини асос қилиб, даъвони рад этиш ҳақида хулосага келган.

Суднинг ушбу хулосаси ишда аниқланган ҳолатларга мувофиқ келмайди.

Оила кодексининг 24-моддаси 2-қисмига кўра, эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкани тасаруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра, амалга оширилаётганлигини аниқлатади.

Низоли квартирани Д.Ўктамова М.Нафасова сотиб пулини олганлиги ҳақида тилхат ёзиб берганлиги, низоли квартирада М.Нафасова 11 йилдан буён яшаб келаётганлиги, М.Холиқов квартира тасаруф этилганлигини билган бўлсада, ўтган вақт мобайнида у ёки Д.Ўктамова М.Нафасовага нисбатан уй бўйича даъво қўзғатмаганлиги суднинг эътиборидан четда қолган.

М.Холиқовнинг низоли квартира сотилганлигидан хабари бўлмаганлиги, уни 300 АҚШ долларида 11 йилга ижарага берганликлари ҳақидаги важлари эса, бирор-бир далил билан тасдиқланмаган.

Фуқаролик кодексининг 112-моддасига кўра, агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса, битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Суд юқорида қайд этилган қонун талабларини инobatга олмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўрмасдан, низо юзасидан асослантирилмаган хулосага келган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 21 октябрдаги ажримми билан иш юзасидан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори

қабул қилинди.

6-292-14-сонли ажрим

Моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилиши оқибатида суднинг иш бўйича нотўғри хулосага келганлиги ва юқори инстанция суди томонидан биринчи инстанция суднинг камчиликлари барта- раф этилмаслиги суд қарорларини бекор қилинишига асос бўлади.

Даъвогар Маҳлиё Рустамова судга жавобгар туман қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежига нисбатан даъво билан мурожаат қилиб, ишга тиклашни, мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарар ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 21 январдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2013 йил 11 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво рад қилинган.

Ишни кўришда суд томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаган, моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилиши оқибатида иш бўйича нотўғри хулосага келинган.

Хусусан, М.Рустамова туман қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежида 2010 йил 11 январдан она-тили ва адабиёт ўқитувчиси вазифасида ишлаб келиб, 2013 йил 3 октябрдаги 48-сонли буйруққа асосан вазифасидан озод этилган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"ги 12-сонли қарори 15-банди 3-қисмига кўра, судлар даъвогар-

нинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида берганлиги тўғрисидаги важларини синчковлик билан текширмақлари лозим.

Ушбу тушунтиришлардан келиб чиққан ҳолда даъвогарнинг 2013 йил сентябр ойидаги пахта мавсумида коллеж ўқувчиларини тегишли тартибда пахта теришга жалб қилмаганлиги учун иш берувчи томонидан вазифасидан озод қилиш ҳақидаги аризани мажбурий ёздирилганлиги ҳақидаги важлари суд томонидан текширилмаган.

Ваҳоланки, коллеж директори судда пахта мавсуми юзасидан 20 нафар ўқитувчи ўз ихтиёри билан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб бергани, шундан 14 нафари огоҳлантириш муддатида аризасини қайтариб олганини қайд этган.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 270-моддаси 1-қисми 1-бандига мувофиқ ишга тиклаш низолари бўйича судга мурожаат этиш учун ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ойлик муддат белгиланган.

Суд даъвогар томонидан Меҳнат кодексининг 270-моддасида белгиланган даъво муддати ўтказиб юборилганлиги ҳақида хулосага келишда ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ нусхаси М.Рашидовага қачон берилганлигини текширмаган.

Апелляция инстанцияси эса, ушбу ҳолатларга етарли эътибор бермасдан, суднинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 4 августдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборилди.

6-213-14-сонли ажрим

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Дастлабки тергов ҳаракатлари тўлиқ ўтказилмаган иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

Жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг 2013 йил 21 июндаги ҳукмига кўра, Я. Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди, 205-моддаси 2-қисми "а", "в" бандлари, 209-моддаси 1-қисми билан Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 2 йил 6 ой, Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми тартибида 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари;

А. Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди, 228-моддаси 2-қисми "а", "б" бандлари билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоларига судланганлар.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 30 июлдаги ажрими билан суд ҳукмининг Я.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилиб, А.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-қисми "а", "б" бандларидан 28 ва 209-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, ҳукмнинг унга оид қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Я. 2010 йил 14 майдан 2011 йил 5 июлга қадар "Пахта толаси" ОАЖ бошқарув раиси лавозимида ишлаб келиб, А.га тегишли паррандачиликка ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш базасини 140.000.000 сўмга, "БКА-3" русумли тухум етиштиришга ихтисослашган универсал жиҳозни 50.000.000 сўмга ва 4.000 бош то-

вуқларни 60.000.000 сўмга, жами 250.000.000 сўмга сотиб олиш бўйича 2010 йил 28 декабрда бир вақтни ўзида рақамсиз ҳамда 13-сонли шартнома тузган. Рақамланмаган шартноманинг 2.1-бандида, "Ишлаб чиқариш базасини сотиб олиш учун пул маблағи 10 кун мобайнида тўланмаса, пул маблағи тўлангунга қадар харидор тўланмаган ой учун сотувчи тақдим қилган ҳисоб-варақасига асосан ижара ҳақини тўлаши" ҳақида, 13-сонли шартноманинг худди шу бандида эса, "Ишлаб чиқариш базасини сотиб олиш учун пул тўланиб, ҳужжатларни расмийлаштириб олингунга қадар харидор ҳар ойга бир миллион беш юз минг сўм ижара ҳақи тўлаши" ҳақида келишиб, ушбу бандга расмийлаштириш харажатларини харидор ўз зиммасига олиши ҳақида қўшимча киритганлар.

Шундан сўнг "Пахта толаси" ОАЖ томонидан 2011 йил 22 апрелдаги 137-сонли тўлов топшириқномаси билан ОАТБ "Агробанк" филиалидан олинган кредит маблағининг 140.000.000 сўми А.га тегишли хусусий корхонага ўтказилган бўлса-да, Я. ва А. паррандачилик фермасини 2013 йил февраль ойига қадар ОАЖ балансига ўтказмай, жамиятнинг 140.000.000 сўм пул маблағларини растрата қилганлар.

Бундан ташқари Я. мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, хусусий корхонадан 140.000.000 сўмга сотиб олиниб, жамият балансига ўтказилмаган паррандачилик фермаси ва иссиқхонани таъмирлаш учун 2011 йил 17 майда "Пардоз" МЧЖ билан 200.000.000 сўмлик шартнома тузиб, 134.106.325 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилади. Бу қилмиши билан Я. "Пардоз" МЧЖдан қарздорлик вужудга келишига сабабчи бўлиб, "Пахта толаси" ОАЖ манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасига мувофиқ, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши лозим.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 2010 йил 28 декабрда "Пахта толаси" ОАЖ ва А.га тегишли хусусий корхона ўртасида олди-сотди шартномаси имзоланиб, шартноманинг 2.1-бандида ишлаб чиқариш базасини сотиб олиш учун пул маблағи 10 кун мобайнида тўланмаса, пул маблағи тўлангунга қадар харидор ҳар бир ой учун сотувчи тақдим қилган ҳисоб-варақасига асосан ижара ҳақи тўлаши кўрсатилган. Бироқ шартномада ижара ҳақи миқдори кўрсатилмагани ва олди-сотди шартномасини расмийлаштириш харажатлари ким томонидан тўланиши белгиланмаганлиги учун қўшимча шартнома тузилиб, ушбу шартнома асосида "Пахта толаси" ОАЖ хусусий корхонага 250.000.000 сўм ўтказиб бериб, паррандачилик фермасини 2011 йил 2 январда тўлиқ қабул қилиб олган.

Дастлабки тергов ва судда, Я., А., фуқаровий даъвогар ва гувоҳлар, паррандачилик фермаси сотиб олингач, фермада ОАЖ ишчилари буйруқ билан ишлагани, тухум ва гўшт маҳсулотлари етиштирилгани, ташкилотда эркин пул маблағи бўлмагани сабабли бино нотариус орқали расмийлаштирилиб, ташкилот балансига олинмагани ҳақида кўрсатмалар беришган.

Қонун талабига кўра, растрата, талон-тарож қилишнинг бир шакли бўлиб, айбдорга ишониб топширилган ўзгани мулкани сотиш, сарфлаш, истеъмол қилиш, ҳадя қилиш ва бошқа йўллар билан бегоналаштириш тушунилади.

Дастлабки тергов идораси Я. ва А.ни "Пахта толаси" ОАЖнинг 140.000.000 сўм маблағини растрата қилганликда айблаган бўлса-да, ушбу маблағ кимни фойдасига бегоналаштирилганлигини аниқламаган, сотиб олинган паррандачилик фермасини балансга олиши учун

"Пахта толаси" ОАЖда эркин пул маблағи бўлган-бўлмаганлигини текширмаган.

Шунингдек, Я.ни хусусий корхонадан сотиб олинган паррандачилик фермаси биносини 2011 йил 5 июлга қадар "Пахта толаси" ОАЖ балансига ўтказмасдан жиноят содир этган деб топган бир вазиятда, ундан сўнг ОАЖда раҳбарлик қилган бошқа шахслар 2013 йил 31 мартга қадар паррандачилик фермасини ОАЖ балансига ўтказмагани ҳолатига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Тергов идораси Я. ва А. 2010 йил 28 декабрда "Пахта толаси" ОАЖ ва хусусий корхона ўртасидаги бир вақтнинг ўзида икки хил мазмундаги олди-сотди шартномасини тузиб, ҳужжатларга сохта маълумот киритиб, мансаб сохтакорлиги жинояти содир этганликда айблаган бўлса-да, ушбу шартномаларнинг бири иккинчисини мазмунан тўлдириши, бу ҳолатда тарафларнинг манфаатларига зарар етказилмаганлиги ҳолатларига эътибор қаратмаган.

Бундан ташқари Я. жамият учун сотиб олинган, бироқ жамият балансига ўтказилмаган паррандачилик фермаси ва унга қарашли иссиқхонани таъмирлаш ишлари учун "Пардоз" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида олиб борилган таъмирлаш ишлари бўйича кимга ва қанча миқдорда зарар етказганлиги аниқланмаган, иш ҳужжатларига қараганда, "Пардоз" МЧЖ томонидан шартнома асосида паррандачилик фермаси ва иссиқхонада олиб борилган 134.106.325 сўмлик қурилиш ишлари юзасидан қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилмаган.

Юқорида қайд этилган хато ва камчиликлар апелляция инстанцияси судининг ҳам эътиборидан четда қолган.

Бундай ҳолда дастлабки тергов органи хулосаси билан келишиб бўлмаса-да, суд ушбу ҳолат бўйича етарли асосларсиз Я.га айблов ҳукми чиқарган.

Жиноят процессуал кодексининг 419-моддаси 1-бандида дастлабки тергов

тўлиқ ўтказилмаган бўлиб, уни суд мажлисида тўлдириш мумкин бўлмаса, ушбу модданинг 4-бандида эса, шу иш юзасидан бошқа шахсларни айбланувчи тариқасида жалб қилишга асослар бўлса ва уларга тегишли материалларни ишдан ажратиш мумкин бўлмаса, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилиши назарда тутилган.

Жиноят иши бўйича дастлабки терговнинг тўлалиги таъминланмаганлиги, ишни ҳар томонлама тўлиқ ва холисона текшириб чиқмасдан туриб, шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб бўлмаслиги сабабли, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 28 августдаги ажрими билан Я. ва А.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

Назорат иши № 5-142-14

**Апелляция инстанцияси суди
Жиноят процессуал кодексининг
84-моддаси талабларига риоя
этмаганлиги сабабли суд қарори бекор қилинди.**

Жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман судининг 2014 йил 23 январдаги ҳукмига асосан, М. Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "г" банди, 209-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, 2013 йил 12 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 11 мартдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, М. Жиноят кодексининг 65-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра, М. туман Халқ таълими бўлимига қарашли мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, 2012 йил август ойидан 2013 йил май ойига қадар

48 ҳолатда ҳисоботларда мактаб ўқитувчиларининг паст даражада бўлган маляка тоифаларини юқори тоифада эканлигини кўрсатиб, расмий ҳужжатларини сохталаштириб, туман халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига тақдим этиб, жами 4.641.462 сўмлик ортиқча иш ҳақлари тўланиб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликда айбдор деб топилган.

Жиноят кодексининг 65-моддаси 1-қисмида ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги тўғрисида содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Жиноят процессуал кодексининг 84-моддаси 5-қисми 1-бандида ишни тергов қилиш ёки судда кўриш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий хавфли бўлмайд қолган деб эътироф этилса, жиноят иши шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши назарда тутилган.

Апелляция инстанцияси ишни кўриш чоғида М.нинг муқаддам судланмаганлиги, етказилган моддий зарарнинг миқдори ҳамда зарарнинг тўлиқ қопланганлигини инобатга олган бўлса-да, бироқ қайд этилган процессуал қонун талабларига риоя қилмай, М.нинг розилигини олмасдан туриб, ишни тугатиш ҳақида барвақт хулосага келиб, хатоликка йўл қўйган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 4 сентябрдаги ажрими билан М.га нисбатан чиқарилган апелляция инстанцияси ажрими бекор қилиниб, иш янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилди.

Назорат иши № 5-140-14



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

Қ А Р О Р И

2014 йил 3 октябрь

№ 17/266

Тошкент шаҳри

**"Акциядорлик жамиятлари ва
акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунини қўллашнинг
айрим масалалари ҳақида**

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинганлиги муносабати билан ушбу Қонун ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17 ва 47-моддаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судлар акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар иштирокидаги ишларни кўришда шуни инобатга олишлари лозимки, бундай жамиятларнинг тузилиши, фаолияти ва тугатилиши, шунингдек, акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни да, шунингдек, давлат ташкилотларини хусусийлаштиришда акциядорлик жамиятларини ташкил этишнинг ва улар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган
2. Акциядорлик жамиятлари (бундан буён матнда жамият деб юритилади) иштирокидаги ишларни кўришда судлар Қонун Ўзбекистон Республикасида тузилган ёки тузиладиган барча жамиятларга нисбатан татбиқ этилишини назарда тутишлари лозим. Банк, инвестиция ва сургурта фаолияти соҳалари-

бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади (Қонуннинг 2-моддаси).

3. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, арз қилинган талабнинг умумий юрисдикция суди ёки хўжалик суди судловига тааллуқлилиги масаласи ушбу судларнинг Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) ва Хўжалик процессуал кодекси (бундан буён матнда ХПК деб юритилади)да белгиланган ваколатларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

3.1.ХПКнинг 23-моддасига мувофиқ, акциядорлар ўртасида, акциядор билан жамият ўртасида жамият фаолиятдан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар, меҳнатга оид низолардан ташқари, хўжалик судлари-га тааллуқлидир.

3.2. Судлар ушбу тоифадаги ишлар бўйича даъво аризаларини иш юритишга қабул қилишда низо қачон вужудга келганлигига эътибор қаратишлари лозим.

Низо жамият давлат рўйхатидан ўтиб, юридик шахс мақомига эга бўлганидан сўнг вужудга келган ҳамда уларнинг фаолиятдан келиб чиққан бўлса, иш хўжалик судлари судловига, аксинча, низо жамият давлат рўйхатидан ўтказилгунигача қадар вужудга келган ва иштирокчиларидан бири сифатида жисмоний шахс қатнашган ёки меҳнатга оид бўлса, умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқли

бўлади.

3.3. Судлар, жамият фаолиятдан келиб чиққан, баъзилари хўжалик судига, баъзилари эса умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлган ўзаро боғлиқ бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, иш умумий юрисдикция суди судловига тааллуқли бўлишини назарда тутишлари лозим.

Низо жамият фаолиятдан келиб чиққан бўлсада, ундаги тараф (жисмоний шахс) мазкур жамиятнинг акциядори бўлмаса, шунингдек, собиқ акциядори бўлса, бундай низолар хўжалик суди судловига эмас, балки умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқли, бундан акцияларни бегоналаштириш ва бундай ҳаракатнинг оқибати билан боғлиқ низолар мустасно.

Шунингдек, акциядор ҳисобланган жисмоний шахс билан жамият ўртасида вужудга келган, жамият фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқлидир.

3.4. Иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат қонунчилигининг қўлланилиши ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган шартлар юзасидан келиб чиққан низолар умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқлидир.

Хусусан, судларга жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставидан ҳамда муддатли меҳнат

шартномасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, Қонун 79-моддасининг саккизинчи қисмига асосан тузилган шартномалар бўйича юзга келадиган низолар умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқли эканлиги тушунтирилсин.

4. Қонуннинг 3-моддасига кўра устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб эътироф этилади.

5. ФК 58-моддасининг тўртинчи қисми ва Қонун 11-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг муассислари бўлиши мумкин. Жамиятни тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда иштирок этмаган шахсларнинг муассиси деб аталиши мумкин эмас.

Жамиятни таъсис этиш йўли билан ташкил этиш муассисларнинг (муассиснинг) қарорига кўра амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият бир муассис томонидан таъсис этилган тақдирда, жамиятни таъсис этиш ҳақидаги қарор шу муассис томонидан яқка тартибда қабул қилинади.

Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор муассисларнинг овоз бериш натижаларини ҳамда жамиятни таъсис этиш, унинг

уставини тасдиқлаш, жамиятнинг бошқарув органларини шакллантириш масалалари юзасидан муассислар қабул қилган қарорларни акс эттириши керак.

Судлар жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарорда Қонуннинг 10-моддасида кўрсатилган масалалар акс эттирилган бўлишига эътибор қаратишлари лозим. Бунда жамиятни таъсис этиш, унинг уставини тасдиқлаш тўғрисидаги ва муассис томонидан жамиятнинг акциялари ҳақини тўлаш учун киритилаётган қимматли қоғозларнинг, ўзга мулк ҳуқуқларнинг ёки пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган бошқа ҳуқуқларнинг пулда ифодаланган баҳосини тасдиқлаш ҳақидаги қарорлар муассислар томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Давлат ташкилоти акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил этилаётганда жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор давлат мулкни тасарруф этишга ваколатли орган томонидан қабул қилинади.

Жамият муассислари ва акциядорларининг сони чекланмайди.

6. Судлар шуни эътиборда тутишлари лозимки, Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ жамиятнинг таъсис ҳужжати унинг устави ҳисобланади.

Судларга тушунтирилсинки, жамият уставида Қонун 13-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. Агар

жамият уставида бартараф этиладиган бузилишлар мавжуд бўлса, бу ҳолат акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ва уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласини кўриб чиқиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш учун асос бўлади. Бартараф этилмайдиган бузилишлар мавжуд бўлганда эса, бу ҳолат ФК 53-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисига асосан, жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш учун асос бўлади.

Жамият уставига нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг битимни ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ нормалари қўлланилмайди.

7. Жамият муассислари жамиятни ташкил этилиши билан боғлиқ мажбуриятлар юзасидан жамият давлат рўйхатидан ўтказилгунига қадар солидар жавобгар бўлади. Жамият муассисларнинг жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ мажбуриятлари юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилишида маъқулланган тақдирдагина жавобгар бўлади.

Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини

ўз зиммасига олади.

Акциялар ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

8. ФКнинг 67 ва 68-моддаларига, Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Жамиятни шўъба жамият мажбуриятлари (қарзлари) бўйича жавобгарлиги билан боғлиқ низоларни кўришда, судлар ФКнинг 48 ва 67-моддалари, шунингдек, Қонуннинг 8-моддаси талабларини эътиборга олишлари лозим. Мазкур нормаларга кўра шўъба жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли бўлган асосий жамият, бу кўрсатмалар ижроси юзасидан шўъба жамият тузган битимлар бўйича у билан биргаликда солидар жавобгар бўлади.

Асосий жамият, агар унинг айби билан шўъба жамиятнинг ночорлиги (банкротлиги) юзага келса, шўъба жамият мажбуриятлари (қарзлари) бўйича субсидиар жавобгарликка тортилиши мумкин.

9. Жамиятни тузиш пайтида устав фондини дастлабки шакллантириш ва акцияларни жойлаштириш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда судлар, жумладан, муассис-акциядор таъсис йиғилиши томонидан белгиланган муддат-

да, аммо акциядорлик жамияти рўйхатдан ўтказилганидан сўнг кўпи билан бир йил ичида акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўлаши шарт эканлигига эътибор қаратишлари лозим.

Акцияларни жойлаштириш ва қимматли қоғозлар муомаласига доир қонунчилик талабларига риоя қилинмаган ҳолда тузилган акцияларни жойлаштириш ва муомаласига оид битимлар суднинг қарорига асосан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

10. Қайта сотиш мақсадида жамият тасарруфига ўтган акциялар жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

11. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Қонуннинг 17-моддасида жамият устав фондининг энг кам миқдори белгиланган. Ушбу моддага кўра жамият устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги керак.

12. Жамият устав фондини кўпайтириш акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча ак-

цияларни жойлаштириш йўли билан амалга оширилади. Устав фондини бундай тарзда кўпайтириш акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд, агар жамият уставини ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан бундай ҳуқуқ кузатув кенгашига берилган бўлса, кузатув кенгашининг қарори билан амалга оширилади (Қонуннинг 18-моддаси).

13. Акциядорлик жамияти устав фондини камайтириш акцияларнинг жамият устав фонди (устав капитални) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва бекор қилиш йўли билан жамият устав фондини камайтиришга, бундай имконият акциядорлик жамияти уставада назарда тутилган ҳолдагина йўл қўйилади.

Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати бўйича умумий миқдори жамият устав фондининг (устав капиталининг) Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, жамият жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида, уларнинг бир қисмини олиш йўли билан жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш

тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартириш киритиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан йўл қўйилади (Қонуннинг 19-моддаси).

14. Қонуннинг 20-моддасига кўра кредиторлар жамиятнинг устав фонди камайтирилганлиги тўғрисида ўзларига хабар юборилган кундан бошлаб кечи билан ўттиз кун ичида жамиятдан мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришни ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Судларга тушунтирилсинки, белгиланган муддат бу талабнома юбориш муддати ҳисобланмайди. Бунда жамиятдан мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришни ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилиш кредиторнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Кредиторнинг Қонуннинг 20-моддасида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланмаганлиги кейинчалик уни мажбуриятни муддатидан олдин бажаришни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этади.

15. Қонуннинг жамият устав фондини (устав капитални) камайтириш ёки жамиятни тугатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ҳақидаги талаби жамият томонидан бажарилмаган тақдирда, жамият Қонун 32-моддасининг саккизинчи қисмига мувофиқ акция-

дорлар, кредиторлар, шунингдек, ваколатли давлат органларининг даъвоси асосида суд томонидан тугатилиши мумкин.

16. Судлар акцияларнинг ҳаммасини ёки муайян қисмини акциядорлик жамияти томонидан қайтариб сотиб олиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги даъво аризаси билан фақат овоз берувчи акцияга эга бўлган акциядорлар фақатгина Қонун 40-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатларда мурожаат қилишга ҳақли эканлигини назарда тутишлари лозим.

Шунга кўра, агарда акцияларини қайтариб сотиб олиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги талаб қайд этилган масалалар бўйича ёқлаб овоз берган ёхуд овоз беришда узрсиз сабабларга кўра иштирок этмаган овоз берувчи акцияга эга бўлган акциядор томонидан билдирилган бўлса, бундай талабни қаноатлантириш рад этилади.

Даъвогарнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этмаганлиги сабабларини аниқлашда, судлар у йиғилишни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинганлигини текширишлари лозим.

Судлар шуни эътиборга олишлари керакки, акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги талабни акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан кечи билан

ўттиз кун ичида жамиятга тақдим қилишлари керак. Ушбу талаб ёзма шаклда берилиши ва унда акциядорнинг яшаш жойи (жойлашган ери) ҳамда у қайтариб сотиб олинишини талаб қилаётган акциялар сони кўрсатилган бўлиши керак. Бунда қайд этилган ўттиз кунлик муддат низони судгача ҳал этиш муддати ҳисобланишини назарда тутиш лозим. Судлар бундай даъволарни кўриш жараёнида акциядор томонидан талабнома жамиятга қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида юборилганлигини текширишлари лозим. Агар талабнома ушбу муддат ичида юборилган бўлмаса, даъво бўйича иш юритиш ХПК 86-моддасининг 8-бандига асосан тугатилиши лозим.

16.1. Қонун 41-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, ўттиз кунлик муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядордан акцияларни ўн кун ичида сотиб олиши шарт.

Судлар эътиборга олишлари керакки, ўн кунлик муддатни ҳисоблаш акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ўтганидан сўнг бошланади.

Агарда, суд муҳокамаси давомида мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбосиларида кўрсатилган муддатлар ўтмаган бўлса, акцияларни қайтариб сотиб олиш ҳақидаги мажбуриятни юклаш тўғрисидаги даъво талаби жамият то-

монидан мажбуриятни бажариш муддати келмаганлиги сабабли рад этилади. Даъво аризани қаноатлантиришни қайд этилган асосга кўра рад этилиши мажбуриятни бажариш муддати юзага келгандан сўнг қайтадан судга мурожаат қилишга тўсқинлик қилмайди.

16.2. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилганда акцияларни сотиб олишга жамият томонидан ажратилган маблағларнинг суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келишига сабабчи бўлган акциядорлар умумий йиғилиши қарори қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас, жамиятни ўзгартириш ҳолатлари бундан мустасно.

Шу муносабат билан акцияларни қайтариб сотиб олиш ҳақидаги мажбуриятни юклаш тўғрисидаги талабни кўришда судлар назарда тутишлари керакки, бундай даъво талаби фақат жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошмаган миқдорда қаноатлантирилиши мумкин, бундан жамиятни ўзгартириш ҳолатлари мустасно.

16.3. Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори

қабул қилинган кундан ўттиз кун кечиктирилиб тақдим этилган тақдирда, жамият талаб қўйган акциядорларга қайтариб сотиб олишни рад этиши мумкин.

16.4. Қайтариб сотиб олиш талаби қўйилган акцияларнинг умумий сони Қонун 41-моддасининг бешинчи қисмида белгиланган чекловларни инобатга олган ҳолда қайтариб сотиб олиниши мумкин бўлган акциялар сонидан ошиб кетган тақдирда жамият томонидан акциялар акциядорлардан қўйилган талабларга мутаносиб равишда қайтариб сотиб олинади.

16.5. Қонуннинг 40-моддасига асосан, жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат жамиятнинг акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

Сотиб олинадиган акцияларнинг бозор қийматини аниқлашда судлар Қонуннинг 24-моддаси талабларини ҳисобга олишлари керак.

17. Жамият қайта ташкил этилган тақдирда, жамият томонидан қайтариб сотиб олинган акциялар бекор қилинади.

Жамият томонидан Қонуннинг 40-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда қайтариб сотиб олинган акциялар жамият тасарруфига ўтиб, улар

овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаш чоғида ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ёзилмайди ва бундай акциялар қайтариб сотиб олинган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши лозим, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур акцияларни бекор қилиш йўли билан жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши керак бўлади.

18. Қонун 38-моддаси иккинчи қисмига кўра, Қонуннинг 40 ва 41-моддаларига мувофиқ қайтариб сотиб олиш тўғрисида талаб қўйилган ҳамма акциялар қайтариб сотиб олинмагунига қадар жамият жойлаштирилган акцияларни олишга ҳақли эмас.

19. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш, дивиденд олиш ва жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

20. Судлар, агар жамиятга нисбатан "олтин акция"ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, жамият акциядорларининг реестрига давлат вакили ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши лозим эканлигига эътибор қаратишлари керак.

21. Жамият акциядорла-

рининг реестрлари шакллантирилишини таъминлаш ва шакллантирилган реестрларни сақлаш мажбурияти Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси (бундан буён матнда Марказий депозитарий деб юритилади)га юклатилган. Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш бўйича Марказий депозитарий билан шартнома тузилмаган тақдирда, рад жавобини олган томон жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бир ойлик муддат ўтгач шартнома тузишга мажбурлаш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

22. Судларга тушунтирилсинки, қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан мустасно равишда жамият акциядорларининг реестрини шакллантиришни асоссиз рад этишга йўл қўйилмайди. Қонун 44-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш асоссиз рад этилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

23. Судлар шуни эътиборга олишлари керакки, Қонун акциядорни у томонидан жамият олдидаги мажбуриятлар бузилганлиги, унинг акциядорлар йиғилишига келмаслиги ёки унда қатнашишни рад этганлиги, акциядорлик жамияти билан узоқ вақт алоқада бўлмаганлиги каби асослар бўйича акциядорлар реестридан чиқариш имкониятини назарда тут-

майди.

24. Судларга тушунтирилсинки, дивиденд тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби ҳақидаги қарор ҳар бир турдаги, шу жумладан, имтиёзли акциялар бўйича жамият кузатув кенгашининг тавсиясига мувофиқ, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Бундай қарор мавжуд бўлмаса, жамият дивидендларни тўлашга, акциядорлар эса уларни тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Дивидендларни тўлашда биринчи навбатда имтиёзли, сўнгра оддий акциялар инobatга олиниши лозим. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда, жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этган тақдирда, акциядорлар Қонун 51-моддасининг учинчи қисми асосида дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар.

Судлар ишларни кўришда, дивидендларнинг миқдори Қонуннинг 50-моддасига мувофиқ жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмаслигига эътибор беришлари лозим.

25. Акция эгаси ёки эгасининг қонуний вориси

ёхуд меросхўри томонидан уч йил мобайнида талаб қилинмаган ва Қонун 51-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ умумий йиғилиши қарорига асосан жамият ихтиёрида қолдирилган дивидентни ундириш бўйича даъво тақдим этилган тақдирда, судлар даъвони қаноатлантиришни рад этишлари лозим, бундан ФКнинг 159-моддасига асосан ўтказиб юборилган муддат тикланган ҳоллар мустасно.

26. Дивидендлар белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда, акциядор, жамиятдан унга тегишли дивиденд суммасини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган қайта молиялаш ставкалари бўйича пеня ундириш ҳақида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли. Бунда пеня дивиденд тўлови кечиктирилган давр учун дивиденд тўлаш муддати тугаган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади.

Суд қарори билан ундирилган дивидендларни тўлаш жамият томонидан рад этилган тақдирда, акциядор ёки кредитор аризаси асосида жамият "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда банкрот деб топилиши мумкин.

27. Қонуннинг 54-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда акциядорлик жамияти мазкур ҳолатлар тугагунга қадар дивидендлар тўлаш бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

28. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

29. Қонун 82-моддасининг биринчи қисмига кўра, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида миноритар акциядор деб ҳисобланиши учун акциядор қанча миқдордаги акцияга эга бўлиши кераклиги белгиланмаган.

Судларга тушунтирилсинки, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга, лекин акциялари сони акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масала бўйича қарор қабул қилишга таъсир қилмайдиган даражада оз акцияга эга бўлган акция эгаси миноритар акциядор ҳисобланади, агарда қонун ҳужжатларида бошқача назарда тутилмаган бўлса.

Акциядорнинг миноритар акциядорлар қўмитасига аъзо бўлиши унинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқидан, шунинг-

дек, Қонуннинг 26-28-моддаларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан маҳрум қилмайди.

30. Жамият миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киради (Қонун 59-моддаси).

Қонунда миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш учун асослар кўрсатилмаган.

Шу муносабат билан судларга тушунтирилсинки, миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш учун қўмита аъзоларининг ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, ўз ваколатларини суиистеъмол қилганликлари, қўмита аъзосининг бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи белгилаган бошқа ҳолатлар асос бўлиши мумкин.

31. Қонун 82-моддасининг ўн учинчи қисмига кўра, миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Судлар назарда тутишлари лозимки, жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органи томонидан ми-

норитар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига аралашиб, қўмитанинг нормал фаолият юритиши учун тўсқинлик қилинган ҳолатларда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли орган миноритар акциядорлар манфаатида ушбу ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) ноқонуний деб топиш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилиши мумкин. Бундай тоифадаги ишларда жавобгар сифатида жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органи эмас, жамият иштирок этади.

32. Жамиятнинг акциядорларига тегишли бўлган дивидендлар тўланмаган тақдирда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи мазкур жамият акциядорининг ёки миноритар акциядорлари қўмитасининг мурожаати асосида судга жамиятнинг зиммасига ушбу жамият акциядорларига дивидендлар тўлаш мажбуриятини юклатиш тўғрисида даъво тақдим этишга ҳақли. (Қонун 113-моддасининг учинчи қисми).

Судларнинг эътибори Солиқ кодексининг 330-моддасига асосан, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи инвесторларнинг, шунингдек, давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилганлигига қаратилсин.

Судлар назарда тутишлари

ри лозимки, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг даъво аризасида даъво кимнинг манфаатида берилганлиги албатта кўрсатилиши лозим.

Судларга тушунтирилсинки, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи мазкур жамият акциядорининг ёки миноритар акциядорлар қўмитасининг мурожаати асосида жамиятнинг зиммасига ушбу жамият акциядорларига дивидендлар тўлаш мажбуриятини юклатиш тўғрисида даъво тақдим этиши акциядорнинг дивидендларни ундириш ҳақида судга алоҳида мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

33. Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг (яккабошчилик ёки коллегиял) қарори устидан, қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳамда низолашилаётган қарор акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабига мос бўлмаса ва акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зид бўлган тақдирда, уни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга даъво қилиш мумкин. Бундай иш бўйича акциядорлик жамияти жавобгар ҳисобланади.

34. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъволарни кўриб чиқишда даъвони қаноатлантириш учун асос бўлиши мумкин бўлган

қонун бузилишларига, жумладан, қуйидагилар кириши ҳисобга олиниши лозим:

- умумий йиғилишни ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида акциядорни тегишли тарзда хабардор этмаслик (Қонун 62-моддасининг биринчичинчи қисмлари);

- акциядорга йиғилиш кун тартибига киритилган масалаларга оид зарур ахборот (материаллар) билан танишишга имконият бермаслик (Қонун 62-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмлари);

- акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этиши тартибини бузиш (Қонуннинг 67-моддаси);

- овоз бериш учун бюллетенлар берилмаслиги (Қонуннинг 70-моддаси) ва бошқалар.

Бу ўринда шуни инобатга олиш лозимки, акциядорлар умумий йиғилиши қарорини қабул қилиш тартиби Қонуннинг 60-моддаси ва жамият устави билан белгиланади. Агар устав Қонунга мос бўлмаса, унинг Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

35. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда судлар шуни инобатга олишлари лозимки, акциядорлар умумий йиғилишининг қарори у қонун ҳужжатларига ёки жамият уставига зид бўлган ва (ёки) умумий йиғилиш қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланган тартибни бузган ҳолда ўтказилганда ҳақиқий эмас

деб топилиши мумкин. Бундай даъво билан ушбу қарорни қабул қилишда қарши овоз берган ёки акциядорларнинг умумий йиғилишида узрли сабабга кўра иштирок этмаган акциядор чиқиши мумкин.

Шу билан бирга, ушбу банднинг биринчи хатбосида кўрсатилган низоларни ҳал этишда суд, ишнинг барча ҳолатларини инобатга олиб, агар даъвогар-акциядорнинг овози овоз бериш натижаларига таъсир этмаса, йўл қўйилган камчиликлар жиддий бўлмаса ва қарор акциядорга зарар етишига олиб келмаган бўлса, шикоят қилинган қарорни кучида қолдиришга ҳақли.

36. Агар низони кўриб чиқишда суд тарафлар ўз талаб ва эътирозларини акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асос қилиб келтираётганликларини, чунончи, бу қарор умумий йиғилиш ваколлати бузилиб, умумий йиғилиш ўтказиш учун кворум бўлмасдан ёки йиғилиш кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қабул қилинганлигини аниқласа, ушбу қарорнинг у ёки бу акциядор томонидан низолашилаётганлигидан қатъи назар, уни юридик кучга эга эмас деб баҳолаши ва низони Қонун нормаларига мувофиқ ҳал қилиши лозим.

Бунда акциядорлар умумий йиғилиши, Қонун билан унинг ваколлатига берилмаган ёхуд йиғилиш кун тартибига киритилмаган масалаларни кўриб чиқишга ва қарор қабул қилишга ёки кун тартибини ўзгар-

тиришга ҳақли эмаслиги инобатга олиниши лозим.

Судлар Қонун 60-моддасининг саккизинчи қисми ва 78-моддасининг бешинчи қисмида акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши томонидан давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вето қўйилган қарорлар ижро этилмаслиги белгиланганлигига эътибор қаратишлари лозим.

37. Йирик битимлар билан боғлиқ низоларни кўришда судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, каффиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

Йирик битимларга (битимнинг тегишли суммасида) талабдан ўзга шахс фойдасига воз кечиш, қарзни ўтказиш, бошқа хўжалик жамияти устав фондидаги акцияларни тўлаш ҳисобига маблағ киритиш ва

бошқа шартномаларни ҳам, агар уларни тузиш натижасида жамият мулкни тасарруфдан чиқариш имконияти юзага келса, киритиш мумкин.

Йирик битим предмети бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати (миқдори) жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан олинаётган ёки тасарруфдан чиқарилаётган мол-мулкнинг баҳосидан келиб чиқиб аниқланади, бунда мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги сабабли тегишли тарафдан тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган қўшимча ҳисоблашлар (неустойка, жарима ва пенялар) инобатга олинмайди. Мол-мулк тасарруфдан чиқарилган ёки тасарруфдан чиқариш имконияти юзага келган ҳолларда жамият активининг баланс қиймати билан бундай мол-мулкнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида аниқланган баҳоси, мол-мулк олинган ҳолларда эса унинг олиниш нархи таққосланади.

38. Йирик битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда ФКнинг 116 ва 126-моддаларига риоя этиш лозим бўлиб, Қонун 84-моддасининг биринчи қисми мазмунига кўра, баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзо-

лари томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

Жумладан, акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан ваколати муддатидан илгари тугатилган кузатув кенгаши аъзоси таркибдан чиқиб кетган деб ҳисобланади.

Жамият кузатув кенгаши томонидан йирик битим тузиш масаласи бўйича яқдилликка эришилмаган тақдирда, бу масала кузатув кенгашининг қарорига кўра, акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин.

39. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

40. Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимнинг жамият томонидан тузилиши билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар рўйхати ва уларни бундай шахслар деб топиш шартлари Қонуннинг 85-моддасида қайд этилганлигини инобатга олиш лозим.

Бунда битимни Қонуннинг 85-моддасида қайд этилган шахслар томонидан тузилган деб топиш учун тегишли шахснинг манфаатдорлиги ушбу битим тузилаётган вақтда мавжуд бўлган-

лигини аниқлаш ҳамда Қонун 91-моддасидаги битимлар тузишдаги истисноларни инобатга олиш лозим.

41. Судларга тушунтирилсинки, Қонун 88-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига биноан, аффилиланган шахс билан тузиладиган битим бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан аффилиланган шахснинг ёзма билдириши жамиятга келиб тушган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлган ҳолатларда эса, битим бўйича қарор Қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

42. Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамият тузилишидан манфаатдор бўлган битимни тузиш тўғрисида қабул қилинаётган қарорда: битимнинг тарафи (тарафлари), фойда олувчи (фойда олувчилари) ҳисобланган шахс (шахслар), битимнинг баҳоси, предмети ва бошқа муҳим шартлар кўрсатилиши керак.

43. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, йирик битимлар ва тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар жамият ёки акциядор томонидан, Қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек бошқа ваколатли органлар томонидан киритилиши мумкин.

44. Жамиятни қайта таш-

кил этиш билан боғлиқ низоларни кўришда судлар шунга эътибор беришлари керакки, ФКнинг 49-моддаси ва Қонуннинг 92-моддасига кўра, жамиятни қайта ташкил этиш (кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш) акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан амалга оширилади.

45. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, агар жамиятни қайта ташкил этишда тасдиқланган тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган жамиятнинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермас, янги вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган жамият мажбуриятлари бўйича унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар бўладилар (ФК 52-моддаси).

Агар тақсимлаш баланси дан уни тасдиқлаш пайтида қайта ташкил этилаётган жамият активлари ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий ворислари ўртасида адолат тамойиллари бузилган ҳолда тақсимланганлиги ва бу ушбу жамият кредиторлари манфаатларининг яққол бузилишига олиб келганлиги кўриниб турган бўлса, қайта ташкил этиш натижасида тузилган жамиятлар (шу жумладан, янги жамият ажралиб чиққани) ҳам солидар жавобгарликка тортилишлари керак.

46. Судлар процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ (ХПКнинг 56-моддаси ва ФПКнинг 57-моддаси) мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишга тайёр-

лаш вақтида тарафларга низони ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган қуйидаги далилларни судга тақдим этишни таклиф этишлари ёки уларни ўз ташаббуслари билан талаб қилиб олишлари лозим, хусусан:

эмиссия рисоласи, умумий йиғилишда қатнашган акциядорларнинг рўйхати, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида акциядорлар тегишли тарзда хабардор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни;

акциядорлар реестри, депо ҳисобидан кўчирма, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати, санок комиссияси ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомалари, жамиятнинг йил якунлари бўйича тегишли давлат органларига тақдим этган молиявий ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларни.

47. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 59-моддасида эмитент ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинган, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни ҳақиқий

эмас деб топиш, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун даъво муддати эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини жойлаштириш муддати тугаган пайтдан эътиборан бир йилни ташкил этади.

48. Судларга акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш амалиётини вақти вақти билан умумлаштириш ва суд хатоларини, шунингдек, бундай низоларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўриб бориш тавсия этилсин.

49. Мазкур қарорнинг қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2005 йил 31 мартдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 02/124-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси **Ш.Газиёв**

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси **К.Камилов**

Пленум котиби в.б., Олий суд судьяси **О.Хайитов**

Пленум котиби, Олий ҳўжалик суди судьяси **К.Давлетова**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

Қ А Р О Р И

2014 йил 3 октябрь

№ 18/267

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми
ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик
суди Пленумининг айрим қарорларига
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17 ва 47-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

I. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Суд ҳокимияти тўғрисида" 1996 йил 20 декабрдаги 1/60-сонли қарорига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 3-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунда судьяларга юксак мақом берилди, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ёки унинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати томонидан сайланади ёхуд Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади";

2) 10-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
"Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар заҳирасини шакллантириш ва танлаш, судьяларни янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига тавсия этиш ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси амалга оширади";

3) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
"Қонун судьяларни сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати, сиёсий партияларнинг аъзоси бўлишлари, сиёсий ҳаракатларда иштирок этишлари, шунингдек, илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланишларини тақиқлайди. Шу билан бирга судьялар

касбий фаолиятига оид уюшмаларга бирлашишлари мумкин".

II. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида" 2000 йил 28 апрелдаги 2/84-сонли қарорига қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) кириш қисмининг иккинчи хатбошиси ва биринчи бандидаги "кичик ва ўрта бизнес корхоналарини, деҳқон-фермер ҳўжаликларини" деган сўзлар "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" деган сўзлар билан алмаштирилсин";

2) 4-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Судлар назарда тутишлари лозимки, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш чекланган, яъни ушбу Қонун талабига кўра, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан назорат қилувчи органлар томонидан режали тартибда кўпи билан йилига бир марта амалга оширилиши мумкин, бундан хусусий корхоналар ва кўрсатилган модданинг иккинчи-олтинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя қилувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилиши мумкин, ушбу моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно";

3) 5-банддаги "2000 йил 25 майдаги" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) қуйидаги мазмундаги 8-банд билан тўлдирилсин:

